

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1048-ҳадис**

1048 - وَعَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ يَتَوَضَّأُ فَيُبَلِّغُ - أَوْ فَيُسْبِغُ - الْوُضُوءَ ثُمَّ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ إِلَّا فُتِحَتْ لَهُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ الثَّمَانِيَةِ يَدْخُلُ مِنْ أَيِّهَا شَاءَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [234].

وَرَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ: «اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ» [55].

1048. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирор киши маромига етказиб [ёки мукаммал] таҳорат қилиб, сўнгра «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва Росулуҳ»,\* деса, унинг учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади. У ўша эшикларнинг хоҳлаганидан киради».

Маъноси: «Якка Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Унинг шериги йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига гувоҳлик бераман».

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Термизий «Аллоҳуммажъалний минат таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн» калимасини зиёда қилганлар.

Маъноси: «Аллоҳим! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин»

Шарҳ: Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадиси шарифда ҳам таҳоратни тугатгандан сўнг ўқиладиган дуо эслатилмоқда. Охирида эса мазкур икки амалга бериладиган мукофот – жаннатнинг саккиз эшиги очилишию таҳоратни яхшилаб қилиб, ҳадисда келган дуони ўқиган одамнинг ўзи хоҳлаган эшикдан жаннатга кириши айтилмоқда. Бу ҳам таҳоратни яхшилаб қилиш ва шаҳодат калимасини ихлос билан айтишнинг қанчалар фазилатли эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Уламоларимиз айтишларича, таҳорат қилиб, аъзоларни турли кир ва ифлосликлардан поклаб бўлгандан кейин шаҳодат калималарини айтиш Аллоҳга ихлос ила амал қилганликка ва қалбнинг риё ва ширклардан пок бўлганига ишорадир.

Имом Термизий ушбу ҳадисни ривоят қилганларида шаҳодат калималаридан кейин:

«Аллоҳумма ижъални минат таввабийн ва ижъални минал мутатоҳҳирийн», деган дуо ўқиган эканлар.

Бу дуо «Аллоҳим! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин», деган мазмунида келади.

Бу билан киши таҳорат олиб, баданини сув билан поклагач, Аллоҳ таолодан тавба қилмаса кечирилмайдиган гуноҳлари учун ўша дуо билан тавбага муяссар этишини сўрайди. Аллоҳ таолонинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу тоифа кишиларга жаннатнинг саккиз эшиги очилиб, хоҳлаганидан киришлари мумкинлигини башорат этмоқдалар.

Шундай экан, доимо таҳоратимизни маромига етказиб, мукамал қилайлик, сўнгра ихлос билан калимаи шаҳодатни ва ушбу ҳадисда келган дуони ўқишга одатланайлик.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



